**Халқ депутатлари Ургут тумани Кенгашининг**
**ҚАРОРИ**

141600. Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Навоий шоҳ кўчаси. 104-уй, тел: 8(366) 483-05-99

**2020 йил 3 март** **№ 29 /3-сон**

**Туманда янги маҳалла фуқаролар йиғини ташкил қилиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги 48-сонли карори билан тасдиқланган "Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва номини ўзгартириш тартиби тўғрисида"ги Низоми ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 306-сонли карори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси хулосасига мувофиқ Халқ депутатлари Ургут туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Халқ депутатлари Ургут тумани Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича доимий комиссияси раиси С.Ахмедованинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳудудидаги Андак маҳалласининг "Увайсий" кўчасидаги 33 та хонадон, "Машраб" кўчасидаги 29 та хонадон ҳамда Чорраха маҳалласининг "Машраб" кўчасидаги 25 та хонадон жами 200 та оила негизида жамоатчилик асосида "Нуробод" маҳалла фуқаролар йиғини ташкил этилсин.

3. Туман статистика бўлими (Д.Турсункулов)га икки ҳафта муддатда Андак ва Чорраха маҳалла фуқаролар йиғинининг статистик кўрсаткичларига белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш топширилсин.

4. Мазкур карор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

5.Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари Ургут тумани Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича доимий комиссияси раиси С.Ахмедова зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари Ургут тумани Кенгаши раиси** **М.Турдиев**